

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Қашқадарё вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига қарашли, Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Қарши» санаторийсида янги қурилиш ишларини бажарадиган ташкилотни танлаш бўйича

### ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Қарши шаҳридаги «Қарши» санаторийси

Қарши – 2022 й.

## ШАРТЛАР

- Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Қарши” санаторийсида янги қурилиш ишларини бажарадиган ташкилот ва муассаса ходимлари, мутахассислари мавжудлиги, танловдаги ишларни бажариш тажрибасига етарли касбий техникавий малакасига эга бўлиши шарт.

- Хизматларнинг максимал нархи жами 867 350 000 (Саккиз юз олтимиш етти миллион уч юз эллик минг) сўмни.

- Янги қурилиш ишларини бажарувчи ташкилотнинг тегишлиги бўйича гувоҳнома ва бошқа ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим.

- Молиявий имкониятларга шартнома тўзиш юзасидан фуқаролик муомаласига, ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатга эга, тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

- Янги қурилиш ишларини бажарувчи муассасалар Давлат реестридан рўйхатидан ўтган гувоҳномага эга бўлиши шарт.

- Иштирокчилар томонидан берилган тижорат таклифлар комиссия аъзолари томондан урганиб чиқилади, иштирокчилар билан суҳбат жараёнида иш хизмат кўрсатиш сифати аниқлаб олинади комиссия аъзолари энг арзон таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш хизмат кўрсатувчи иштирокчи танланиши мумкин ҳолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланади ва олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% тўлов иш ёки хизмат якунланиб иш ва хизмат ҳажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади. Иштирокчилар шартнома тўзиш учун қонуний ҳуқуқга эгаллиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий ва кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрига қайд этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.

- Ижрочилар билан ҳисоб-китоблар миллий валюта миқдорда тўлаб берилади.

- Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида тайёрланиши лозим.

- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

- Тупламлар сони: 5 иш қуни давомида

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қушилган қиймат солиғи билан ёки қушилган қиймат солиғисиз. Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: ҳар ой календар санаси бўйича 28,29,30 ёки 31 кун.

Буюртмачи – Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Қарши” санаторийси. Манзил: Қарши шаҳри Нурбоғ кўчаси 3 А-уй. Телефон 91-965-00-88. Танлов ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс: Бош шифокор комиссия раиси, котиби ва комиссия аъзолари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун “Қарши” санаторийсида янги қурилиш хизмати бўйича лот муддати тугагандан сўнг барча иштирокчилар ва комиссия аъзолари билан ўтказилади.